

Эски соат баҳоси



11:33 / 03 март 6360

Ота вафоти олдидан ўғлини олдига чақириб:

«Бу катта бобонгнинг соати. Ёши икки юз йил атрофида. Буни сенга беришдан олдин, кўча бошидаги соат дўконига бориб, бу соатни сотмоқчиман, нархи қанча бўлади, деб сўраб келишингни буюраман», деди.

Ўғил дўконга бориб, ҳолатни ўрганиб, отасига: **«Дўкон сотувчиси бу соатга беш жунайҳ бермоқчилигини, у жуда эски соатлигини айтади».**

Ота яна ўғлига: **«Антикварлар билан шуғулланадиган дўконга бориб, соатнинг нархини билиб келишини»,** айтади. Ўғил антикварлар дўконига бориб, соат нархини билиб келади ва отасига: **«Бу соатга беш минг жунайҳ таклиф қилишди»,** дейди.

Сўнгра ота ўғлига:

«Энди музейга бориб, соатни сотмоқчи эканлигингни айт», деди. Ўғил музейга бориб келади ва отасига: **«Музейдагилар бир мутахассисни олиб келдилар. У соатга нарх қўйиб берди. Сўнг улар бу соат учун миллион жунайҳ таклиф қилдилар»** дейди.

Ота:

«Мен сенга қадрингни биладиганлар орасида туришингни ўргатмоқчи бўлдим, қадрингни ерга урадиганлар орасида туриб, агар сени қадрламасалар, ғазабланиб юрма демоқчи эдим. Сени фақат қийматингни билгангина қадрлайди. Шундай экан, ўзингга муносиб бўлмаган жойда қолма. Қадрингни бил, ўзингга паст баҳо берма!»

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.